

Шартнома тўлов мониторинги маълумотларини бошқариш

Шартнома тўлови суммасини киритиш

Шартнома тўлови суммасини киритиш учун тизимнинг **Moliyaviy faoliyat / To'lov monitoringi** менюсини танланг (1-расм).

#	Talaba	O'quv yili	Shartnoma raqami	Summa	To'landi	Qarz	To'lov
1	XORLIY XORLIY XORLIY 999211100059	2021-2022	9992100016 04.10.2021	15 000 000,00 so'm	15 000 000,00 so'm	-	<input type="button" value="Kiritish"/>
2	MAGISTRGA TEST MAGISTRGA TEST 999211100065	2021-2022	9992100017 15.11.2021	15 000 000,00 so'm	0,00 so'm	15 000 000,00 so'm Qarzdor	<input type="button" value="Kiritish"/>
3	ASADOV ASAD ASADOVICH 999211100062	2021-2022	9992100018 26.11.2021	15 000 000,00 so'm	0,00 so'm	15 000 000,00 so'm Qarzdor	<input type="button" value="Kiritish"/>

1-расм. Тўлов мониторингини юритиш.

Тўлов суммасини киритиш учун талаба қаторига тегишли бўлган **+Kiritish** тугмасини танланг. Натижада тўлов мониторинги ойнаси очилади ва ушбу ойнада маълумотларни қуйидагича шакллантиринг:

- **Hujjat raqami** майдонига тўлов ҳужжати рақамини киритинг;
- **To'lov sanasi** майдонидан тўлов санасини танланг;
- **Summa** майдонига тўлов суммасини киритинг;
- **To'lov izohi** майдонига изоҳ киритинг.

Тўлов маълумотлари киритилгандан сўнг **Saqlash** тугмасини танлаш орқали маълумотларни сақланг (2-расм).

Hujjat raqami	To'lov sanasi	Summa	O'zgartirilgan	Faol
09/09	26.11.2021	7 500 000,00 so'm	26.11.2021 17:20:09	<input checked="" type="checkbox"/>
Jami		7 500 000,00 so'm		

1-1 / jami 1 ta


Hujjat raqami: 09/09
To'lov sanasi: 2021-11-26
Summa: 7500000
To'lov izohi: 1-semestr uchun

2-расм. Тўлов маълумотларини шакллантириш

Юқорида келтирилган кетма-кетлик асосида талабаларнинг шартнома тўловларини шакллантириб боринг.

Шартнома тўловини гуруҳ кесимида мониторинг қилиш

Шартнома тўловини мониторинг қилиш учун тизимнинг **Moliyaviy faoliyat / To'lov monitoringi** менюсини танлаш орқали тўлов мониторинги ойнасига ўтинг (1-расм). Тўлов мониторинги ойнасидан **Monitoring** тугмасини танлаш орқали шартнома тўловини гуруҳ кесимида мониторинг қилиш ойнасига ўтинг ва филтрларни танлаш орқали гуруҳдаги талабаларнинг тўлов мониторингини кўринг (3-расм).



The screenshot shows the 'Monitoring' interface for a group of students. The left sidebar contains a menu with 'Moliyaviy faoliyat' selected. The main area displays a table with columns for student ID, name, specialization, study year, contract type, contract number, sum, paid amount, and debt. The first student listed is ASADOV ASAD ASADOVICH, a Bachelor's student in 'Telekommunikatsiya texnologiyalari' for the year 2021-2022. The table shows a total sum of 15,000,000.00 so'm, with 7,500,000.00 so'm paid and a debt of 7,500,000.00 so'm.

#	Talaba	Mutaxassislik	O'quv yili	Shartnoma turi	Shartnoma raqami	Summa	To'landi	Qarz
1	ASADOV ASAD ASADOVICH 999211100062	Bakalavr 5330700	2021-2022	Bazaviy kontrakt 2 tomonlama / Stipendiyasiz	9992100018 26.11.2021	15 000 000,00 so'm	7 500 000,00 so'm	7 500 000,00 so'm Qarzdor

3-расм. Шартнома тўловини гуруҳ кесимида мониторинги

Шартнома тўловини гуруҳ кесимида мониторинг қилиш ойнасида факультетлар, йўналишлар, таълим шакллари, ўқув йиллари, курслар ва гуруҳлар кесимида мониторингини юритиш мумкин.

Шартнома тўлови суммасини тахрирлаш

Шартнома тўлови суммасини тахрирлаш учун тизимнинг **Moliyaviy faoliyat / To'lov monitoringi** менюсини танланг (1-расм). Тўлов суммасини тахрирлаш учун талаба қаторига тегишли бўлган **+Kiritish** тугмасини танлаш орқали тўлов мониторинги ойнасига ўтинг. Тўлов мониторинги ойнасидан тўловнинг ҳужжат рақамини танланг. Натижада тўлов маълумотлари тахрирлаш майдонларига юкланади (2-расм). Тўлов маълумотларини тахрирлаш ойнасидан тахрирлашни амалга оширинг ва **Saqlash** тугмасини танланг.

Шартнома тўлови суммасини ўчириш

Шартнома тўлови суммасини ўчириш учун тўлов маълумотларни тахрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмасини танланг (2-расм).